Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • E-mail: Info@xs.uz • 2012 йил 20 апрель, № 77 (5497) Жума

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 19 апрель куни Оқсаройда “Лукойл нефть компанияси” очиқ акциядорлик жамияти президенти Вагит Алекперовни қабул қилди.

Учрашувда “Лукойл НК” ОАЖнинг Ўзбекистондаги қатор сармоявий блокларда геология-разведка ишларини самарали амалга оширгани туфайли Қандим гуруҳи ва Хавзак-Шоди конларида, Ҳисор минтақаси ҳудуди ва Қўнғирот участкасида, шунингдек, Сармоядорлар консорциуми таркибида Орол денгизининг Ўзбекистонга қарашли қисмида углеводород захиралари ҳажмини оширишни таъминлаш имконига эга бўлганини таъкидлади.

Учрашувда қайд этилганидек, “Лукойл” ОАЖнинг учта инвестицион лойиҳа бўйича Ўзбекистон нефть-газ мажмуига киритган тўғридан-тўғри сармояси ҳажми 2 миллиард АҚШ долларидан ошди. Умуман, “Лукойл” компанияси иштирокидаги барча лойиҳаларни ижро этиш даврида 5 миллиард доллардан зиёд сармоя жалб этиш режалаштирилмоқда. Ўзбекистон углеводород хом ашёсини чуқур қайта ишлаш ва юқори қўшимча қийматга эга маҳсулот ишлаб чиқариш соҳасида ҳамкорликни ривожлантиришдан манфаатдор экани таъкидланди.

В. Алекперов самимий қабул ва “Лукойл” ОАЖнинг Ўзбекистон нефть-газ соҳасидаги фаолияти натижаларига берилган юксак баҳо, шунингдек, ўзаро манфаатли йирик лойиҳаларни амалга ошириш мобайнида яратилган қулай шарт-шароит учун давлатимиз раҳбарига миннатдорлик билдирди. Меҳмон ўзи раҳбарлик қилаётган компания ўзбекистонлик шериклар билан узоқ муддатли ва самарали ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини алоҳида қайд этди.

(ЎзА).

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Дунё нигоҳи

Ўзаро шериклик муносабатларини йўлга қўйиш ҳамда келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилаш мақсадида мамлакатимизда фаолият юритаётган “Тадбиркор аёл” уюшмасининг делегацияси яқинда Малайзияда бўлди.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

Мазкур сафар доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзоларининг Малайзия халқаро тадбиркор аёллар уюшмаси, Малайзия экспортчилар уюшмаси (MEXPA), Малайзия тадбиркорлари ва саноатчилари уюшмаси (PERDASAMA) ҳамда Малайзия бирлашган Хитой савдо-саноат палатаси вакиллари билан бизнес-учрашувлари ўтказилди. Ўзаро мулоқот чоғида мамлакатимизнинг мустақил тараққиёт йилларидаги иқтисодий ривожланиши кўламлари, бу борадаги устувор йўналишлар, тараққиётнинг “ўзбек модели” ютуқлари билан бирга, Ўзбекистон томонидан жаҳон бозорига етказиб берилаётган маҳсулотлар ҳақидаги маълумотлар малайзияликлар эътиборига ҳавола этилди.

Шунингдек, “Мустаҳкам оила йили” Давлат дастурининг ҳаётга татбиқ этилиши, оила институтини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, унинг манфаатларини ҳуқуқий ҳамда ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан муҳофазалаш, жисмонан соғлом, маънан етук ва баркамол авлодни тарбиялаш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли ишлар ҳақидаги ахборотлар ҳам уларда катта қизиқиш уйғотди.

Юқоридагилардан ташқари, томонлар икки мамлакатнинг савдо-иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигида эришилган муваффақиятлар, иқтисодиётнинг истиқболли соҳаларида ўзаро янги алоқаларни ўрнатиш, жумладан, “Навоий” эркин индустриал-иқтисодий зонасида яратилган имкониятлардан оқилона ва самарали фойдаланиш борасида ҳам фикр алмашдилар.

Малайзия халқаро тадбиркор аёллар уюшмаси раиси Н. Борханнинг таъкидлашича, мустақиллик йилларида Ўзбекистонда рўй берган улкан ўзгаришлар жаҳон ҳамжамияти эътирофига сазовор бўлди. Айниқса, саноат соҳасидаги тараққиёт, аҳолини ижтимоий жиҳатдан ҳимоялаш борасида эришилган муваффақиятлар ҳеч кимни бефарқ қолдирмайди. Н. Борханнинг сўзларига қараганда, бугунги кунда жаҳон бозорларида Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотлар борган сари кўпроқ учрамоқда. Унинг қайд этишича, ҳар икки мамлакат тадбиркорлари ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада ривожлантириш учун улкан салоҳиятга эгадир. Шу нуқтаи назардан, икки мамлакат ишбилармон доиралари вакилларининг тез-тез учрашиб туришидан ҳамда кўплаб қўшма лойиҳаларнинг ҳаётга татбиқ этилишидан ҳар икки томон ҳам бирдек наф кўради.

“Ўзбекистоннинг қишлоқ хўжалиги, сайёҳлик соҳасидаги юксак салоҳияти ҳам малайзияликларда ўзаро ҳамкорлик учун катта қизиқиш уйғотади”, деди у фикрини якунлар экан.

Мазкур сафар доирасида Ўзбекистон делегацияси аъзолари Малайзия Ташқи савдони ривожлантириш агентлигида (МАТРЕЙД) ҳам бўлдилар.

(Давоми 2-бетда).

Бевосита мулоқот

Аҳил, фаровон ва мустаҳкам оила бағрида баркамол фарзандлар вояга етади. Шу маънода, келажак авлоднинг маънан ҳамда жисмонан етук бўлиб шаклланишида оилалардаги соғлом маънавий муҳитнинг аҳамияти беқиёс.

Фаровон келажак пойдевори

Кеча “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Марказий кенгаши ташаббуси билан ўтказилган навбатдаги он-лайн мулоқотда ҳам шу мавзуда сўз борди. Тадбирга Республика Репродуктив саломатлик марказининг мутахассислари, психологлар ҳамда санъаткорлар таклиф этилди. Мулоқот асносида болалар ва ўсмирлар репродуктив саломатлигини мустаҳкамлаш, ёшларнинг тиббий маданиятини ошириш, қизларни эрта турмушга бериш муаммоси сингари долзарб масалаларга эътибор қаратилди. Хусусан, экспертларнинг қайд этишича, балоғат ёшига етмай туриб, турмуш қурган ва она бўлган аёл келгусида ўнлаб оғир хасталикларга чалиниши мумкин. Илм-фанда аллақачон ўз исботини топган ушбу ҳақиқатга айрим ота-оналар лоқайд ва бепарво муносабатда бўлаётганликлари эса таассуфли ҳолдир.

— Одатда, ўсмирлик даври 10 ёшдан 19 ёшгача давом этади, табиийки, бу вақт оралиғида фарзандларимиз ҳали балоғатга етиб улгурмаган бўладилар,

(Давоми 2-бетда).

Юксак ғамхўрлик ва эътиборнинг ифодаси

Кеча кенжа набирам хушхабар олиб келди. Президентимизнинг “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони эълон қилинибди.

Дил сўзи

Бундай эътибор нафақат менга, балки оиламиздаги катта-кичикнинг барчасига кўтаринки кайфият ва қувонч бағишлади. Бу Истиқлол шарофати туфайли ҳар йили мамлакатимизда кенг нишонланаётган 9 май — Хотира ва қадрлаш куни олдидан бизга аталган навбатдаги бир туҳфа бўлди.

Очиғи, шундай дамларда инсон манфаатлари, қадр-қиммати юксак даражада улуғланадиган, айниқса, кўпни кўрган нуроний-ларга алоҳида иззат-икром кўрсатиладиган юртда яшаётганингдан қувониб кетасан, киши. Бундай пайтда кексаликка хос дарду ташвишлардан ҳам бутунлай халос бўласан. Руҳинг тетиклашади, ўзингни бақувват ва бардам ҳис қиласан.

Бу сафар ҳам худди шундай бўлди. Тонг саҳарлаб ўзим кўп йиллар меҳнат қилган Металлургия комбинатидан, шунингдек, Бекободдан, Қибрайдан, Тўйтепадан Абдураҳим Шерматов, Мўмин Отакаев, Мирхалил Маликов каби дўстларимнинг оила аъзолари қўнғироқ қилиб қутлашди. Бир-биримизга салому табрикларимизни етказдик. Зум ўтмай, эшикдан маҳалламиз фаоллари, шундоққина ёнимиздаги мактабнинг бир гуруҳ ўқитувчилари, бизни ҳамиша қўллаб-қувватлайдиган қадрдон “Нуроний” жамғармамиз вакиллари бир қучоқ гул билан келиб қолишди. Хонадонимизда нақ байрам бўлиб кетди. Бу эътибор ёшимизга ёш қўшди, кўзимизга нур, белимизга мадор бўлди.

Ҳавоси мусаффо, суви зилол, одамлари оқибатли юртда яшаяпмиз. Кўз ўнгимизда юз бераётган оламшумул ўзгаришларни, юксалиш ва фаровонликни илгари фақат орзу қилиш мумкин эди. Буни мен, тўқсон билан тўқнашгунча ҳаётнинг не-не синову машаққатларини бошдан ўтказган бир мўйсафид айтаяпман. Шундай экан, бу неъматларнинг қадрига етайлик, шукрона айтайлик. Дуои фотиҳага қўл очиб, аввало, юртимиздаги тинчлик-хотиржамликка кўз тегмасин, эзгу ишларнинг бошида турган Президентимиз соғ-саломат бўлсинлар, дея ният қилайлик.

Дабирдин МАЖИДОВ,
Иккинчи жаҳон уруши фахрийси.
Бекобод шаҳри

Мамлакатимизда:

Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

Андижон

Гулшаной Мадаминова ўтган йили Марҳамат сервис хизмати кўрсатиш ва ижтимоий-иқтисодий коллежини тамомлаганди.

Гулшанойнинг рўмоллари

Энди у Қорақўрғон қишлоғида фаолият кўрсатаётган 500 нафар ҳунарманддан бири. Гулшаной ўз дугоналаридан 20 нафарини ёнига олиб, ангор эчкиси юнгидан рўмол тўқишни йўлга қўйди. Қизларнинг касб маҳоратини ошириши ҳамда истеъмол бозорига дадил кириб боришида уларга коллежда олган билимлари қўл келмоқда. Айни пайтда бу ерда катталар ва болалар учун либослар ҳам тайёрлаш ўзлаштирилди.

Вилоятда ўтган йили 37682 нафар ўқувчи касб-ҳунар коллежларини битирган бўлса, уларнинг 36482 нафари ўзлари танлаган соҳалар бўйича ишга жойлаштирилди.

О. ШОДМОНАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жиззах

Зарбдор туманидаги “Ўткир полвон” фермер хўжалиги томонидан қиймати 700 миллион сўмлик янги лойиҳа амалга оширилди.

Қайта ишлаш тармоғи

Ҳозир хўжаликда Польшадан олиб келинган 100 бош зотли қорамол парвариш қилинмоқда. Улардан соғиб олинаётган сут эса шу ернинг ўзида қайта ишланаяпти.

— Фаолиятимиз турини кенгайтиришда банкнинг молиявий кўмаги қўл келди, — дейди хўжалик раҳбари Субон Эрматов. — Замонавий технологик линиямизда кунига 700-800 литр сут қайта ишланмоқда. Ўтган қисқа даврда 100 миллион сўмликка яқин 6 турдаги тайёр маҳсулотларни буюртмачиларга етказиб бердик.

У. АДИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Атиргулларимиз – экспортга

Айни пайтда вилоятдаги 200 дан ортиқ корхона ўз маҳсулотларини экспорт қилмоқда. Биргина ўтган йилнинг ўзида улар сони 40 тага кўпайгани, айниқса, бу сафда фермер хўжаликлари фаоллик кўрсатаётгани эътиборлидир.

Тошкент вилояти

Зангиота туманидаги “Миришкор Сайфуддинова Хонзода” фермер хўжалиги ана шулардан бири. Асосан, боғдорчиликка ихтисослаштирилган мазкур хўжалик кўчатчиликни ривожлантиришда фаоллик кўрсатаётир. Хусусан, илгари хориждан келтирилган паст бўйли, серҳосил мева кўчатлари эндиликда хўжаликнинг ўзида етиштирилмоқда.

Яқинда жамоа аъзолари чет давлатлардан келтирилган ва юртимизда ўстириладиган ноёб атиргул кўчатларини чатиштириш йўли билан кўпайтириб, антиқа намуналар олишга муваффақ бўлди. Энг муҳими, янги навдаги атиргуллар хорижликларни ҳам қизиқтириб қўйди. Натижада қисқа фурсатда хўжалик ташқи бозордаги буюртмачиларга қарийб 38 минг АҚШ долларилик атиргул кўчатларини экспорт қилишга эришди.

Ғ. ШЕРАЛИЕВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Маҳаллийлаштириш дастури доирасида

Бир пайтлар, асосан, авиация саноати учун эҳтиёт қисмлар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган Қўқон механика заводида хўжалик ва маиший турдаги маҳсулотлар тайёрлаш ҳам ўзлаштирилди.

Фарғона

Жумладан, бугун корхона ёрлиғи билан чиқарилаётган маиший газ баллонларига ички бозорда талаб катта. Жорий йилнинг ўтган даврида 100 кишилик жамоа томонидан 15 минг дона ана шундай маҳсулот тайёрланди.

Таъкидлаш ўринлики, вилоятда ўтган йили Маҳаллийлаштириш дастури доирасида 44 та лойиҳа амалга оширилди. Пировардида ички бозорга импорт ўрнини босувчи 188 миллиард сўмлик янги турдаги маҳсулотлар чиқарилиб, 100 миллион АҚШ долларилик валюта тежаб қолинди.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бухоро

Жондор туманилик тадбиркор Баҳриддин Бешимов саъй-ҳаракати билан “Ўрикзор” деб номланган мажмуа барпо этилди.

«Ўрикзор» таровати

Исми жисмига монанд ушбу кўркам кошонага келган меҳмонлар ўзбек миллий куй-қўшиқларининг жонли ижросига гувоҳ бўлишмоқда.

Уч юз ўринли замонавий чойхона, новвойхона, турли пишириқлар тайёрланадиган цех, савдо шохобчаси ҳамда бошқа сервис хизмати тармоқларидан иборат мажмуада мириқиб дам олиш, миллий таомларга буюртма бериш, ўлмас наволар жозибасидан баҳраманд бўлиш мумкин. Ўрикзору гулзорлар, токзору ноёб дарахтлар мажмуа тароватига тароват қўшиб турибди. Муҳими, “Ўрикзор” шарофати билан қирқ нафардан зиёд киши ишли бўлди. Уларнинг аксариятини қишлоқ ёшлари ташкил қилади.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

БИР РАҚАМ ШАРҲИ

ИШ ҲАҚИ: ХАРИД ҚОБИЛИЯТИ ОШМОҚДА

Мамлакатимизда 1991 йилда энг кам иш ҳақига Халқаро меҳнат ташкилоти ва Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг тавсияларига қатъий мувофиқ тарзда ишлаб чиқилган истеъмол корзинкаси қийматининг фақат 8 фоизига тенг бўлган товар ва хизматларни харид қилиш мумкин бўлса, 2011 йилда мазкур кўрсаткич истеъмол корзинкасининг 120 фоизини ташкил этиб, бу борада

15 баробар ўсишга эришилди.

Мустақиллик йилларида иш ҳақи харид қобилияти шу тарзда изчил ва барқарор ўсгани пировардида аҳолининг ҳаёт даражаси ҳамда фаровонлиги муттасил ортиб боришини таъминламоқда.

ТАДБИРКОР АЁЛЛАР ҲАМКОРЛИГИ КЕНГАЙМОҚДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу **агентлик раисининг стратегик режалаштириш бўйича ўринбосари Хайрул Ануар** билан учрашув чоғида тадбиркор аёллар фаолиятининг қўллаб-қувватланиши, улар ишлаб чиқарган товарларнинг икки мамлакат бозорларига етказилиши борасида ёрдам кўрсатиш билан боғлиқ масалалар мулоқотларнинг асосий мавзуси бўлди.

Учрашув якунларига кўра, МАТРЕЙД томонидан ўзбекистонлик тадбиркор аёлларга улар ишлаб чиқарадиган маҳсулотларни экспортга йўналтириш мақсадида эксперт хизматларининг тақдим этилиши бўйича ёрдам кўрсатилиши ҳамда икки мамлакат тадбиркор аёлларининг ўзаро тажриба алмашишини кўзда тутадиган махсус дастур ишлаб чиқилиши ҳақида келишувга эришилди.

Ўзбекистон делегацияси аъзолари мазкур сафар доирасида ҳунармандчилик ва тўқимачилик маҳсулотлари кўргазмасида ҳам қатнашгани ҳолда, Малайзиянинг кулоллик ва заргарлик буюмлари, тўқимачилик ҳамда қандолатчилик моллари ишлаб чиқарадиган қатор фирмалари фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Учрашув доирасида, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилар билан қатор музокаралар бўлиб ўтди. Ўзбекистондаги "ELUS" фирмаси ва Малайзиянинг сопол маҳсулотлари тайёрлашга ихтисослаштирилган "Sweet Touch Ceramic Sdn Bhd" фирмаси вакиллари мамлакатимизда Малайзия хом ашёсидан сопол буюмлар ва эсдалик совғалари ишлаб чиқарилишини йўлга қўйиш масаласини муҳокама этдилар. Унинг натижасига кўра, икки мамлакат тадбиркорлари Малайзия лойининг таркибини ўрганиш ва синов тариқасида маҳсулот ишлаб чиқариш ҳақида келишувга эришдилар. Бундан ташқари, Малайзиянинг "Secret Receipt" етакчи қандолат компанияси билан Тошкентда "Тадбиркор аёл" уюшмаси кўмагида Малайзия компаниялари технологиялари ва усуллари асосида қандолат маҳсулотларини пишириш бўйича тренинглар ўтказиш ҳақидаги келишув ҳам имзоланди.

«Жаҳон» АА.

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— дейди Республика Репродуктив саломатлик маркази директори Маҳмуда Каттахўжаева. — Унутмаслик керакки, бўлажак она қанчалик ёш бўлса, унинг ҳомиладорликда камқонлик, кучли токсикоз, йўлдош етишмовчилиги каби муаммолардан, шунингдек, суяк тизими хасталикларидан азият чекиши хавфи шу қадар юқори бўлади. Қолаверса, муддатидан аввал туғиш, сурункали кислород етишмовчилиги, ҳомилада камвазнлилик, тана аъзоларининг ривожланмай қолиши каби салбий ҳолатлар ҳам эрта туғуруқ оқибатидир.

Фаровон келажак пойдевори

Албатта, бугун мамлакатимиз бўйлаб "Соғлом она — соғлом бола" тамойилига асосланган ҳолда бу каби муаммолар келиб чиқишининг олдини олишга катта эътибор қаратилмоқда. Жойларда болалар, ўсмирлар, балоғат ёшидаги қизлар, шунингдек, фертил ёшидаги аёлларни мунтазам равишда бепул тиббий кўрикдан ўтказиш, уларга зарур тавсиялар бериб бориш каби эзгу саъй-ҳаракатлар изчиллик билан амалга оширилаётганлиги бунинг яққол тасдиғидир. Бироқ шуниси ҳам борки, биз ўз саломатлигимизни асрашга, фарзандларнинг ёруғ келажагини таъминлашга, энг аввало, ўзимиз масъул бўлмас эканмиз, юқорида санаб ўтилган ачинарли ҳолатларга буткул чек қўйишнинг имкони йўқ.

Он-лайн мулоқот давомида экспертлар веб-сайт орқали савол йўллаган ёшларга ушбу мавзу юзасидан батафсил маълумот бердилар. Шунингдек, тадбирда бадиий гимнастика, сув спорти, футбол, шахмат сингари спорт турлари билан шуғулланишнинг ижобий таъсири ҳақида ҳам қимматли фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Муборак ОХУНОВА,
«Халқ сўзи» мухбири.

Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари

Бугун юртимизда Президентимиз томонидан тақдим этилган Мамлакатимизда демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси талабларидан келиб чиққан ҳолда, маҳаллани хусусий тадбиркорлик ва оилавий бизнесни ривожлантириш марказига айлантиришга қаратилган кенг кўламли ишлар олиб борилмоқда.

Эзгулик ва хайрли ташаббуслар маркази

Жумладан, оилавий бизнеснинг муҳим йўналишларидан бири бўлган томорқа хўжаликларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш билан боғлиқ ишлар республикамизнинг ҳар бир ҳудудида жадал рўёбга чиқарилаётир.

Андижон вилояти маҳаллаларида бу борада амалга оширилаётган эзгу ва ибратли ишлар мисолида ҳам буни яққол кўриш мумкин. Хусусан, мева-сабзавот, полиз, картошка ва узум маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириш, қайта ишлаш, экспорт қилиш, ички истеъмол бозорини тўлдириш, аҳоли томорқаларидан самарали фойдаланиш, уларга зарур моддий ресурсларни етказиб беришга қаратилган муҳим чора-тадбирлар кўрилаётир. Аниқроқ айтадиган бўлсак, томорқачиларга уларнинг қизиқиши ва имконияти, айни чоғда ўша ҳудуднинг табиий шароитидан келиб чиққан ҳолда, мева-сабзавот, полиз, картошка уруғлари ёки кўчатлари ҳамда кимёвий препаратлар етказиб берилмоқда. Қолаверса, яна турли ёрдамлар кўрсатилмоқда.

Ҳозир вилоятдаги хонадонларда 27 минг 680 гектар томорқа мавжуд. Ушбу томорқа хўжаликларида ғалла, сабзавот, картошка, полиз ҳамда озуқа экинлари экиш белгиланган бўлиб, шу кунларда хонадон соҳибларининг қўли қўлига тегмайди. 18 минг гектар ерда эса такрорий деҳқончилик қилиш кўзда тутилган. Бу саъй-ҳаракатлар натижасида 2 минг тонна ғалла, 438 минг тонна сабзавот, 21 минг тонна полиз, 118 минг тонна картошка, 200 минг тонна мева, 19 минг тонна узум олиш кутилмоқда.

Вилоятимизда мўъжазгина томорқаси ортидан даромад кўраётган, ҳам оиласи, ҳам жамиятга фойда келтираётган кишилар кўпчиликни ташкил этади. Мисол учун, Асака туманидаги "Қоратепа" қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида яшовчи Мухторжон Насритдинов ўтган йили 12 сотих ерда чорвачилик, паррандачилик билан бирга узумчилик ва боғдорчиликни кенг йўлга қўйди. Айни чоғда помидор экиб, ундан мўл ҳосил кўтарди. Натижада буларнинг барчасидан жами 12 миллион сўм миқдорида даромад олди. Бу йил унинг режалари янада катта: у томорқадан олинадиган даромадни 15 миллион сўмга етказиш ниятида астойдил меҳнат қилаяпти.

Шу ўринда томорқачилик билан боғлиқ яна бир ибратли тажрибани айтиб ўтиш жоиз. Гап шундаки, вилоятимизда нафақат аҳоли томорқасидан, балки фуқаролар йиғинлари бинолари атрофидаги ер майдонларидан ҳам унумли фойдаланиш йўлга қўйилган. Бунинг учун, аввало, уларга қарашли ер майдонлари рўйхатдан ўтказилиб, турли экинлар экила бошланди. Жумладан, ҳозирги пайтда 826 та фуқаролар йиғинига қарашли 21 гектар ерда экинлар парваришланмоқда. Масалан, "Қорабоғиш", "Чилон", "Алитепа", "Янги ҳаёт", "Дўстлик", "Бўрибоши", "Гаргар", "Шукурмерган", "Ювош" маҳалла фуқаролар йиғинларига қарашли ерларда етиштирилаётган қишлоқ хўжалик маҳсулотлари тез орада дастурхонларимиздан жой олади. Муҳими, ушбу майдонларда етиштирилаётган ҳосилдан шу ҳудудларда истиқомат қилаётган кам таъминланган оилалар ҳамда ёлғиз қарияларга улашиш ҳам кўзда тутилмоқда.

Эътиборли томони шундаки, бу ибратли ишлардан ҳеч ким четда тургани йўқ. "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда томорқадан унумли фойдаланиш, экин экиш, уни суғориш ва ўғитлашни намунали ташкил этиш, иссиқхоналарни самарали ишлатишга қаратилган тарғибот ишлари ва ёрдам тадбирларини олиб бормоқда. Маҳаллаларда ташкил қилинган гуруҳларнинг бу борадаги фаолияти, айниқса, таҳсинга лойиқ. Масалан, биргаликдаги изланишларимиз туфайли вилоят банклари томонидан 193 та "Дамас" автомашинаси ажратилиб, ҳар тўртта маҳаллага биттадан автоулов бириктирилди. Улар ёрдамида томорқачиларга уруғлик, кўчат ва иш қуроллари етказиб берилмоқда. Маҳаллалардаги 71 дўконда эса уруғлик, кўчат ҳамда минерал ўғитлар савдоси йўлга қўйилган.

Мухтасар айтганда, бугунги кунда вилоятимизда оилавий бизнес, хусусан, томорқа орқасидан ҳам оиласини тебратаётган, ҳам жамиятимизга наф келтираётган юртдошларимиз сони тобора кўпаймоқда. Мустаҳкам оила йилида бу борадаги ишлар кўлами янада кенгайиши, шубҳасиз. Зеро, бу Президентимиз таъкидлаганидек, жамиятнинг асосий бўғини бўлган оила институтини янада мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, бугунги кунда ёш оилаларни моддий, маънавий қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилаётган ишларни янги босқичга кўтариш ҳамда мазкур жараёнларда маҳалланинг роли ва аҳамиятини янада кучайтириш имконини беради.

И. ВАЛИЕВ,
«Маҳалла» хайрия жамоат фонди Андижон вилояти бўлими раиси.

Танлов

Аёлга эҳтиром — келажакка эҳтиром. Бугун озод юртимизнинг ҳар бир дадил одимида, эришаётган ютуқларимизда хотин-қизларнинг муносиб ҳиссаси бор. Зеро, мустақиллик туфайли Президентимизнинг юксак эътибори боис хотин-қизларнинг жамиятдаги роли ва мавқеи ошди.

Маҳоратли, истеъдодли, назокатли

Спортимиз маликалари ана шундай таърифларга ҳар томонлама муносибдир.

Эндиликда улар тинибтинчимас тадбиркор, малакали шифокор, фидойи ўқитувчи, машҳур спортчи, хуллас, ҳар бир соҳада ўз бурчларини астойдил бажариб, юртимиз равнақи йўлида муносиб хизмат қилиб келмоқдалар.

Бинобарин, ҳаётимизнинг барча жабҳаларида аёллар муносиб ўрин эгаллаётгани, хотин-қизларнинг жамиятдаги мавқеи юксалаётгани мамлакатимизда демократик тамойиллар тобора мустаҳкам қарор топаётганининг амалдаги самарасидир. Оқила, гўзал хотин-қизларимиз ўзларининг самимияти, меҳри, қалбидарёлиги билан оилалардаги, қолаверса, бутун жамиятдаги мувозанатни, поклик, ҳалоллик ва адолат муҳитини сақлаб келмоқдалар.

Пойтахтимиздаги муҳташам "Туркистон" санъат саройида Ўзбекистон Шарқ яккакурашлари ва жанг санъатларини ривожлантириш маркази, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамда бошқа ташкилотлар ҳамкорлигида спортчи қизлар ўртасида ўтказилган "Тўмарис — Шарқ яккакурашлари маликаси" кўрик-танловининг республика босқичи ғолибларини аниқлаш маросимида ҳам ана шулар яна бир бор таъкидланди.

Анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур танловнинг бу йилги вилоят саралаш босқичларида 250 нафардан ортиқ спортчи қиз ўзаро беллашди. Улар орасида республика ва нуфузли халқаро мусобақаларда ғолиб чиққан қизлар кўпчиликни ташкил этгани танловнинг қизиқарли кечишини таъминлади. Ана шундай синовларда саралаб олинган етти нафар иқтидорли спортчи қиз эса республика босқичида ўз истеъдоду маҳоратини намойиш этди. Танловда асосий эътибор бу гал ҳам қизларнинг турли мусобақаларда қўлга киритган натижалари билан бирга, ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий билимларига қаратилди.

Якунда спортнинг хапкидо тури бўйича кўплаб мусобақалар ғолиби Евгения Болтаева Гран-при соҳибаси бўлди. Таэквондонинг ITF йўналиши бўйича нуфузли беллашувларда муваффақиятларга эришган Ирода Толипова эса биринчи ўринга лойиқ топилди. Ғолиб ва совриндорлар ташкилотчиларнинг қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди.

Фазлиддин АБИЛОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Ҳасан ПАЙДОЕВ
олган сурат.

Бухорога саёҳат

Касаба уюшмалари ва ташкилотлари бирлашмаларининг Тошкент шаҳар кенгаши "Бухоротурист" масъулияти чекланган жамияти билан ҳамкорликда тармоқ корхона ҳамда ташкилотларида меҳнат қилаётган ишчи-ходимларнинг қадимий шаҳарга саёҳатини уюштирмоқда.

Эътибор

— Бухоро музейларидаги осориатиқалар, тарихий ёдгорликлар билан танишув, обод қадамжолар — буларнинг бари бизда жуда катта таассурот қолдирди, — дейди Тошкент шаҳар металлургия ва машинасозлик саноати тармоқлари ходимлари касаба уюшмаси масъул ходими Ирина Пластунова. — Мустақиллик йилларида барпо этилган иншоотларни айтмайсизми?! Айниқса, "Қўҳна ва боқий Бухоро" маданий маркази қадимий шаҳарга узукка кўз қўйгандек ярашиб тушибди. Бизни байрамона кутиб олишгани ва саёҳатимизни кўнгилли ташкил этишганидан миннатдормиз.

Ишчи-ходимларни халқимиз бой маданий мероси билан таништириш, уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш, пировардида ички туризмни ривожлантириш мақсадлари кўзланган мазкур ҳамкорликка мувофиқ, пойтахтда яшовчи икки минг нафар кишининг кўҳна ва навқирон шаҳар бўйлаб саёҳат қилиши режалаштирилган.

И. ИБРОҲИМОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Бўлажак мутахассисларга қулайлик

Наманган муҳандислик-педагогика институтида ўтказилган "Битирувчи — 2012" меҳнат ярмаркаси бўлажак мутахассислар ёдида бир умр сақланиб қоладиган воқеа бўлди.

Бандлик

Сабаби, мазкур тадбирда уларнинг аксарияти меҳнат жамоалари билан шартномалар имзолашди.

Халқ хўжалиги учун малакали мутахассислар етказиб берадиган ушбу институтни жорий йилда 949 нафар муҳандис-педагог тамомлайди. Бу йигит-қизларнинг эртанги кундан кўнгли тўқ. Боиси ўқув муассасалари ва корхоналар ўртасида ўрнатилган мустаҳкам алоқа туфайли битирувчиларнинг асосий қисми ишлаб чиқариш амалиётлари чоғидаёқ бўлажак меҳнат жамоаларини аниқлаб олишган эди. Ярмаркада эса яна 375 нафар талаба иш берувчи идоралар билан шартнома тузди.

Қ. НАЖМИДДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Жараён

Ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ва судлар фаолиятини кучайтиришда илм-фан ҳамда техника имкониятлари асосида йўлга қўйилган суд экспертизасининг аҳамияти катта. Шу боис Х. Сулаймонова номидаги Республика суд-экспертиза маркази фаолиятини бугунги кун талаблари даражасида ташкил этиш ва янада такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

СИФАТЛИ СУД ЭКСПЕРТИЗАСИ

соҳада амалга оширилаётган ислоҳотларда муҳим аҳамият касб этмоқда

Маълумки, ушбу марказ зиммасига бир қатор вазифалар юклатилган. Соҳага оид норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар лойиҳаларини ишлаб чиқиш, экспертларни тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш, суд-тергов идоралари топшириғи бўйича суд-экспертизаларини ўтказиш, ҳуқуқбузарлик ва жиноятчиликнинг олдини олишга оид тавсиялар бериш, суд-тергов идоралари ходимлари учун илмий-услубий ишларни амалга ошириш ва аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш шулар жумласидандир. Шундан келиб чиқиб, бу ерда тергов идоралари ва судлар томонидан тайинланган экспертизаларни сифатли ўтказиш, соҳадаги илмий-услубий муаммоларни ҳал қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

— "Суд экспертизаси тўғрисида"ги Қонун фаолиятимизда дастурилламал бўлмоқда, — дейди Республика суд-экспертиза маркази бошлиғи С. Отахўжаев. — Айни чоғда Вазирлар Маҳкамасининг 2010 йил 15 декабрдаги қарори билан Адлия вазирлиги ҳузуридаги Суд-экспертизаси муаммолари бўйича кенгаш ташкил этилиши суд-экспертиза фаолиятини мувофиқлаштиришда қўл келаётир. Зеро, вазирлик ва идоралар тизимидаги суд-экспертиза муассасаларида ягона услубий ёндашув асосида экспертиза ўтказиш, эксперт хулосаларини замон талабларига мослаштириш, уларнинг даражасини халқаро андозаларга етказишда ушбу кенгашнинг ёрдами катта бўлмоқда.

Бугунги кунда марказнинг 8 вилоятда бўлинмалари самарали фаолият юритаяпти. Ўтган йили бўлинмалар фаолиятини янада кенгайтириш мақсадида уларнинг иши таҳлил этиб чиқилди. Таҳлил натижаларидан келиб чиқиб, Самарқанд ва Фарғона вилоятлараро, Андижон ва Хоразм вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикаси бўлинмаларига амалий ёрдамлар кўрсатилди. Шунингдек, бултур марказ моддий-техник базасини янгилаш мақсадида кимёвий экспертизаларни ўтказишда қўл келадиган замонавий асбоб-ускуналар сотиб олингани, бўлинмалар компьютер техникаси билан таъминланганини ҳам айтиб ўтиш жоиз.

— Суд-экспертиза фаолиятини яхшилишда халқаро ҳамкорликнинг ўрни катта бўлмоқда, — дейди суҳбатдошимиз. — Марказ бир қатор давлатлар билан суд-экспертиза масалалари бўйича ҳамкорлик ҳақида тузилган битимларнинг фаол иштирокчиси. Чет эл суд-экспертиза муассасалари билан эксперт хулосаларини тақризга юбориш, илмий мақолаларни чоп этиш, услубий материаллар алмашиш ишлари ҳам изчил давом эттирилмоқда. Масалан, Озарбайжон суд-экспертиза марказида нефть маҳсулотлари, ёнилғи-мойлаш материаллари, товаршунослик экспертизалари бўйича хулосалар тақриздан ўтказилди. Бундай ҳамкорлик алоқалари илмий тадқиқот йўналишида ҳам кенг йўлга қўйилган.

Айтиб ўтилганидек, ушбу марказ суд-тергов идоралари топшириқлари бўйича суд-экспертизалари, шунингдек, соҳага тааллуқли тадқиқотлар ўтказиш борасида бир қатор ишлар олиб бормоқда. Биргина ўтган йили марказ ходимлари томонидан 24 мингдан зиёд материал бўйича тадқиқотлар ўтказилган бўлиб, экспертизаларнинг 21 мингдан кўпроғи қисқа муддатда бажарилгани, айниқса, эътиборлидир.

— Бу ерда суд экспертизасига қаратилган илмий тадқиқот ишлари ҳам яхши йўлга қўйилган, — дейди марказ илмий котиби М. Абдуллаева. — Бунга Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Фан ва технологияларни ривожлантиришни мувофиқлаштириш қўмитаси томонидан тасдиқланган Давлат илмий-техника дастурлари бўйича "Суд-экспертиза амалиётида биологик қариндошликни аниқлаш тадқиқотларида генетик белгиларнинг наслда тақсимланиши ва кўп фарзандли оилаларда уларнинг қайтарилиш қонунияти" мавзуида илмий иш тугатилиб, якуний натижа олинганлигини мисол қилиб келтириш мумкин.

Умуман олганда, ўтган йили экспертиза назарияси ва амалиётини ривожлантиришга оид 13 та йўналиш бўйича илмий тадқиқот бажарилиб, амалиётга татбиқ этилди. Буларнинг аксарияти суд экспертизаси принциплари, Одам ДНКси суд-биологик экспертизаси, суд-қурилиш-техника, ёнғин-техника соҳасига оид услубий тавсиялар бўлиб, улар тўплам, қўлланма ҳолида чоп этилди ҳамда суд-тергов идоралари ва эксперт муассасаларига юборилди. Муҳими, ҳозирги пайтда бу илмий ишлардан тергов ва суд жараёнида кенг фойдаланилмоқда.

Республика суд-экспертиза маркази олдида турган долзарб вазифалар ҳам талайгина. Суд экспертизасининг ҳуқуқий ва ташкилий асосини янада такомиллаштириш, дастлабки суриштирув ва тергов идоралари ҳамда судларнинг суд-экспертизага бўлган эҳтиёжини тўла қондириш, эксперт тадқиқотларини қисқа муддатда, сифатли бажариш, кадрларни тайёрлаш, уларнинг малакасини ошириш ана шулар жумласидандир. Бу борадаги хорижий тажрибани ўрганиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш, суд-экспертиза соҳасида халқаро алоқаларни янги поғонага кўтариш, ҳуқуқ-тартибот идораларининг ходим ва судьялари билимини ошириш ҳамда аҳолининг ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ҳам долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Мухтасар қилиб айтганда, мамлакатимизда суд-экспертиза соҳасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиб, замонавий илм-фан ютуқлари ва ахборот технологиялари изчиллик билан татбиқ этилмоқда. Бу эса суд-тергов жараёнларининг янада ҳаққоний ва адолатли бўлишига хизмат қилади, албатта.

Зокир ХУДОЙШУКУРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Қишлоқ биофабрикаси

Қишлоқ хўжалиги экинларини биологик усул билан ҳимоялаш катта хирмон яратишнинг кафолатидир.

Интилиш

Шуни ҳисобга олган қувалик тадбиркор Каримжон Ашуров бўш турган бинони мукаммал таъмирдан чиқариб, биофабрика ташкил этди. Айни пайтда у раҳбарлик қилаётган "Мўсинжон Мўминжон Умаржон" масъулияти чекланган жамиятида фойдали ҳашаротлар кўпайтирилмоқда. Корхонанинг 20 кишилик жамоаси фермер ва деҳқон хўжаликлари ҳамда агросаноат уюшмаларига буюртма асосида ўз маҳсулотларини етказиб бераяпти.

Н. СОБИРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ, ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ, ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА БАРЧА ВИЛОЯТ ХЎЖАЛИКЛАРИ, ТАШКИЛОТ ВА БОШҚАРМА РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ АГРАР УНИВЕРСИТЕТИ

Университет ректорати

2011/2012 ўқув йилида бакалавриат йўналишлари ва магистратура мутахассисликлари бўйича ўқишни тамомлаётган битирувчиларнинг интеллектуал салоҳиятидан унумли фойдаланиш ва уларнинг келажакда ўз ўринларини топишига кўмаклашиш мақсадида ишга тақсимлаш жараёни бошланганлигини эълон қилади ҳамда қуйидаги маълумотларни тақдим этади.

Қўшимча маълумотлар учун телефон: (8-371) 260-38-00. Факс: (8-371) 260-48-00. Маркетинг бўлими телефони: (8-371) 260-48-50. E-mail: toshdau-marketing@mail.ru

2011/2012 ЎҚУВ ЙИЛИДА БИТИРАЁТГАН ЁШ МУТАХАССИСЛАР ҲАҚИДА МАЪЛУМОТ

Изоҳ: Г — давлат гранти асосида, Ш — тўлов-шартнома асосида

БАКАЛАВРИАТ

№	Таълим йўналишлари (мутахассисликлар) Коди	Номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Шу жумладан Грант	Шартнома	Қорақалпоғистон Республикаси Г	Ш	Андижон вилояти Г	Ш	Бухоро вилояти Г	Ш	Жиззах вилояти Г	Ш	Навоий вилояти Г	Ш	Наманган вилояти Г	Ш	Самарқанд вилояти Г	Ш	Сурхондарё вилояти Г	Ш	Сирдарё вилояти Г	Ш	Тошкент вилояти Г	Ш	Фарғона вилояти Г	Ш	Хоразм вилояти Г	Ш	Қашқадарё вилояти Г	Ш	Тошкент шаҳри Г	Ш	Бошқа давлатлар
1.	5140900	Касб таълими (Агрономия)	23	10	13		1							2						1	2		1		4	1			1	6	3		1	
2.	5140900	Касб таълими (қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш)	25	4	21	1	1								1				2	1	11								1	1	2	1	3	
3.	5340100	Иқтисодиёт (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	76	25	51	3	1	1	1			1	4	1	2			3	6	7	6	1	2		12		3	1	2	4	9	3	3	
4.	5340300	Маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	44	9	35	1			1		1		1		3	2	1	1	2		6			2	2		2	1	5	2	8		3	
5.	5340900	Бухгалтерия ҳисоби ва аудит (тармоқлар бўйича)	71	18	53	1	1	1			1	2	2		1			2	4	1	7		4	3	8	1	4	1	3	2	2	4	16	
6.	5620200	Агрономия (деҳқончилик маҳсулотлари бўйича)	90	54	36					1	1		3			2		2		16	10	5	3	9	5	1	1	1		9	9	8	4	
7.	5620100	Агрокимё ва агротупроқшунослик	26	9	17				2	1			3	1				1		3	3		2	2	1						4	1	2	
8.	5620300	Ўсимликлар ҳимояси ва карантин	82	24	58		1	1		1			2		1	2		2	3	7	22	2	1		13		2		2	5	6	4	5	
9.	5620400	Қишлоқ хўжалиги экинлари селекцияси ва уруғчилиги	31	14	17							1	1				1			4			1	4	2		2		1	1	4	4	5	
10.	5620500	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини сақлаш ва дастлабки қайта ишлаш технологияси	53	20	33	1						2	1	3	1				1	3	7		1	4	12		1	1	2	3	2	3	5	
11.	5620600	Зоотехния	76	36	40					1			2		2	1		2		13	5	1		6	11	1	3		2	2	9	9	6	
12.	5620800	Ўрмончилик	48	16	32		1					1	2			2			2	4	6		1	2	6		1	1	2	5	11	1		
13.	5620900	Ипакчилик	51	17	34								1					2	1	5	13	1		2	4					5	6	2	9	
14.	5620200	Агрономия (мева-сабзавотчилик)	38		38		1						4						4		9		1		4		1		2		7		5	
15.	5610100	Фермер хўжалигини бошқариш ва юритиш	200	79	121	2	3				2	2	3	3	2	1		7	7	12	27	3	5	18	25	1	2	4	6	13	19	13	20	
16.	5630100	Қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш	95	28	67		3	1				5	8		2		1	2	3	3	16		4	9	16		1		2	4	5	4	6	
17.	5630200	Қишлоқ хўжалигини электрлаштириш ва автоматлаштириш	37	8	29		1	1			1								1	1	9			2	6				1	1	5	3	5	
18.	5620600	Ветеринария	48	10	38			1			2		2		3	1	1	1	2	3	5			1	12		2				1	3	8	
		Жами	**1114**	**381**	**733**	**9**	**14**	**6**	**4**	**4**	**8**	**14**	**39**	**10**	**18**	**11**	**4**	**25**	**38**	**84**	**164**	**13**	**26**	**64**	**143**	**5**	**25**	**10**	**32**	**63**	**112**	**63**	**106**	

МАГИСТРАТУРА

№	Таълим мутахассисликлари Коди	Номи	Битирувчиларнинг умумий сони	Шу жумладан Грант	Шартнома	Қорақалпоғистон Республикаси Г	Ш	Андижон вилояти Г	Ш	Бухоро вилояти Г	Ш	Жиззах вилояти Г	Ш	Навоий вилояти Г	Ш	Наманган вилояти Г	Ш	Самарқанд вилояти Г	Ш	Сурхондарё вилояти Г	Ш	Сирдарё вилояти Г	Ш	Тошкент вилояти Г	Ш	Фарғона вилояти Г	Ш	Хоразм вилояти Г	Ш	Қашқадарё вилояти Г	Ш	Тошкент шаҳри Г	Ш	Бошқа давлатлар
1.	5А340102	Тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	7	2	5						1														2			1				1	2	
2.	5А340201	Менежмент (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	3	2	1																				1							2		
3.	5А340312	Қишлоқ хўжалигида маркетинг (тармоқлар ва соҳалар бўйича)	7	2	5		1																		2							2	2	
4.	5А340901	Бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича)	8	2	6											1			1						2				1			1	2	
5.	5А610104	Фермер хўжалигига сервис хизмат кўрсатиш	6	1	5														1						1					1	1		2	
6.	5А621107	Мева-сабзавотчиликда биотехнология	3	2	1										1					1				1										
7.	5А620101	Агротупроқшунослик	4	2	2	1																	1		1					1				
8.	5А620102	Агрокимё	4	2	2															2			1						1					
9.	5А620201	Пахтачилик	5	2	3				1											1	1								1			1		
10.	5А620202	Ўсимликшунослик	3	2	1														1									1		1				
11.	5А620203	Умумий деҳқончилик	8	2	6		1		1								1								1			1	1	1			1	
12.	5А620204	Агрономия (далачилик)	6	2	4					1														1	3				1					
13.	5А620206	Дончилик	6	2	4								1						1	1	2									1				
14.	5А620209	Доривор ўсимликлар биологияси етиштириш технологияси	2	1	1														1	1														
15.	5А621101	Сабзавотчилик	5	2	3													1						1	3									
16.	5А621102	Мевачилик	4	2	2															1				1							2			
17.	5А621104	Узумчилик ва узумни бирламчи қайта ишлаш	5	2	3															1	1				2							1		
18.	5А621106	Картошкачилик	1	1																							1							
19.	5А620301	Ўсимликларни касаллик ва зараркунандалардан асраш	7	2	5		1			1								1							2		1						1	
20.	5А620304	Энтомология	7	2	5	1															1			1	3								1	
21.	5А620305	Фитопатология	8	2	6				1										2					1	1					1	2			
22.	5А620401	Ғўза селекцияси ва уруғчилиги	5	2	3																3					1				1				
23.	5А620402	Дала экинлари селекцияси ва уруғчилиги	6	2	4								1					1						1			1				2			
24.	5А620501	Деҳқончилик маҳсулотларини етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	8	2	6				1												3					1	1			1	1			
25.	5А620502	Мева ва сабзавот маҳсулотлари етиштириш, сақлаш ва уларни дастлабки қайта ишлаш технологияси	8	2	7						1	1					1		1						2						1	1		
26.	5А620503	Пахта хом ашёси етиштириш, сақлаш ва уни дастлабки қайта ишлаш технологияси	7	2	5												1			2	2				1				1					
27.	5А620505	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаш	9	2	7														1						2	1	1		1		1	1	1	
28.	5А620602	Наслчилик иши	6	2	4		1		1						1	1								1	1									
29.	5А620603	Паррандачилик	6	2	4	1													1								1				1		2	
30.	5А621302	Аҳоли яшаш жойларини кўкаламзорлаштириш ва ландшафтли қурилиш	7	2	5	1															1										2	1	2	
31.	5А620902	Ипак қурти селекцияси ва уруғчилиги	6	2	4			1					1						1		1			1									1	
32.	5А620903	Ипак қурти биологияси ва агротехникаси	2	1	1														1					1										
33.	5А630101	Деҳқончиликни механизациялаштириш	5	2	3												1					2			1								1	
34.	5А630102	Чорвачиликни механизациялаштириш	3	1	2								1																			1	1	
35.	5А630104	Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишлаш жиҳозларидан фойдаланиш ва техник сервис хизмат кўрсатиш	7	2	5	1			1												1			1					1		1		1	
36.	5А630202	Электротехник ускуналарни ишлатиш ва уларнинг техник сервиси	5	3	2							1	1							2	1													
37.	5А630103	Машина-трактор паркидан фойдаланиш	3	2	1		1					1				1																		
		Жами	**203**	**70**	**133**	**5**	**6**	**1**	**6**	**2**	**2**	**3**	**5**		**2**	**3**	**4**	**3**	**12**	**12**	**17**	**2**	**2**	**11**	**31**	**5**	**4**	**3**	**8**	**8**	**14**	**12**	**20**	

Сиз ўзингизни қизиқтирган ёш мутахассислар билан бевосита учрашиб уларнинг битирув иши ҳимояларида қатнашиб, барча маълумотларга эга бўлишингиз мумкин. Таклифлар билан университет маркетинг бўлимига мурожаат этишингизни сўраймиз.

6178/266/275

«SHO'RTAN GAZ-KIMYO MAJMUASI» УШК

Shurtan Navoi Plast-PE

«POLIETILEN QUVURLAR» ШК

Навоий вилоятидаги «Навоий» эркин индустриал-иқтисодий зонасида «Шўртан газ-кимё мажмуаси» қошида 2010 йил сентябрь ойидан бошлаб «POLIETILEN QUVURLAR» шўъба корхонаси ишга туширилди.

Бугунги кунда корхонада диаметри 75 мм.дан 250 мм.гача бўлган полиэтилен қувурлар ва уларга бутловчи қисмлар ҳамда томчилатиб суғоришда фойдаланиладиган шланглар кенг ассортиментда ишлаб чиқарилмоқда.

Бизнинг қувурларимиз сизни тез-тез бўлиб турадиган авария ва таъмирлаш муаммоларидан кўп йиллар мобайнида халос этади.



ЮҚОРИ СИФАТЛИ ҚУВУРЛАР

50 ЙИЛЛИК

КАФОЛАТ МУДДАТИГА ЭГА.

Полиэтилен қувурларга мувофиқлик ҳамда гигиеник сертификатлар берилган.

Буюртма ҳамда таклифлар қуйидаги телефонлар орқали қабул қилинади: (8-436) 220-00-35, 220-00-36.

Шунингдек, буюртмаларни **pe-plast.uz** сайти ва **pe_plast@mail.ru** электрон манзилига юборишингиз мумкин.

Манзил: Ўзбекистон Республикаси, 210609, Навоий вилояти, Кармана тумани, Маликработ қўрғони.

4198/156

«REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

I. Савдога Олмалиқ шаҳар СИБ томонидан:

1. 2012 йил 21 февралдаги 3218-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган, умумий майдони 222,60 кв.м. бўлган дўкон биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 120 000 000 сўм.

2. 2012 йил 21 январдаги 586-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Олмалиқ шаҳри, Примқулов кўчасида жойлашган савдо мажмуаси қўйилмоқда. Умумий майдони — 855,4 кв.м., савдо мажмуаси — 692,7 кв.м., бостирма — 162,7 кв.м.

Бошланғич баҳоси — 625 000 000 сўм.

II. Савдога Ўрта Чирчиқ тумани СИБ томонидан, 2011 йил 11 августдаги ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент вилояти, Ўрта Чирчиқ тумани, «Дўстлик» ҚФЙда жойлашган, умумий майдони 322,81 кв.м. бўлган икки қаватли идора биноси қўйилмоқда.

Бошланғич баҳоси — 260 000 000 сўм.

Аукцион савдоси 2012 йил 22 май куни соат 11.00 да бўлиб ўтади. Юқоридаги мулклар 2012 йил 22 май куни савдода сотилмаган тақдирда, мазкур мулкларни сотиш юзасидан такрорий савдо 2012 йил 5 июнь куни бўлиб ўтади. Савдога қўйилган кўчмас мулклар билан суд департаменти вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилиш аукцион кунидан бир кун олдин тўхтатилади. Савдода қатнашиш истагидаги талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «REALTOR GARANT BUSINESS» МЧЖнинг Тошкент шаҳар, «Ипотека-банк» АТИБ Шайхонтоҳур филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000504936050002, МФО: 00425, СТИР: 207125885.

Манзил: Тошкент ш., Мирзо Улуғбек тумани, Буюк Ипак йўли к., 184-уй. Телефон: (8-371) 266-80-76.

646R/121

Лицензия: RR-0052.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚК

ўзида ишлаб чиқарилган маҳсулотни сотади.

(ҚҚС билан)

«Тошкент труба заводи» ҚК сизга шуни маълум қиладики, бизнинг корхона «API-5L» стандарти бўйича

Ø325, Ø377, Ø426, Ø530, Ø630, Ø720, Ø820, Ø920, Ø1020, Ø1220, Ø1420,Ø1620 мм.гача, деворининг қалинлиги 6,0 — 24,0 мм. бўлган, электрпайвандланган, спирал чокли қувурлар ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

Қувурлар X42 мустаҳкамлик гуруҳи бўйича ишлаб чиқарилади.

Қувурлар 3845-65 ГОСТ бўйича гидравлик босимда синовдан ўтказилган.

Баҳоси — 1 тонна учун 3 950 000 сўм.
Тўлов пул ўтказиш йўли билан.

2012 йилдаги эҳтиёжни йил чораклари бўлиб беришингизни сўраймиз.

Телефонлар: (8-371) 241-31-72, 241-29-94.
Факс: (8-371) 241-31-94.

638/67

Ўзбекистон Республикаси Президенти девони жамоаси масъул ходим Фахриддин Каримовга отаси

Турдиали КАРИМОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Девони жамоаси масъул ходим М. Ш. Алламуратовага волидаи муҳтарамаси

НАЗИРА аянинг

вафоти муносабати билан ҳамдардлик изҳор этади.

Абадиятга гулшанг

Алишер Навоий халқимизнинг онги ва тафаккури, бадиий маданияти тарихида бутун бир даврни ташкил этадиган буюк шахс, миллий адабиётимизнинг тенгсиз намояндаси, миллатимизнинг ғурури, шаъну шарафини дунёга тараннум қилган ўлмас сўз санъаткоридир.

Ислом КАРИМОВ



Талқин

Кимки ишқи пок эрур

Киши агар бировни жуда қаттиқ, яъни чин юракдан яхши кўрса, севгисини тил билан изҳор этиши ўта мушкул. Шу боис қанчадан-қанча ошиқлар севгилисига етолмай армонда қолган. Бу янглиғ асл туйғуни — муҳаббатни одатда хайрли, табиий ҳаракатлар, эзгу амалларгина ифода этишга қодир.

Навоий ҳазратларининг бир ғазали шундай бошланади:

Оразин кўрдим ниҳон,
ашк айлади сирримни фош,
Ёшурун қолмас ўғурлик уй
ароким бўлса ёш.

Яъни шоир таърифлаётган ошиқ ҳам ўз севгисини маҳбубасига айтолмайди, бошқалар тугул, ҳатто, энг яқин сирдошидан ҳам пинҳон тутади. Сабаби — муҳаббати чин. Фикру ўйи ўша паривашда. Унинг висолига етиш, ҳеч бўлмаса, жамолига бир кўз солмоқ орзусида жони озорда. Кўз юмди дегунча хаёлида унинг чеҳраси намоён. Соғинч ҳамда айрилиқ дардидан кутилмаганда киприклар орасидан томчилар қалқади. Қанчалик яширмасин, худди ёш бола бор уйда ҳар қандай сир тезда ошкор бўлгани сингари ниҳоят ошиқлик ҳам фош бўлди. Бироқ бу аломатлар хайрликдир.

Одатда савобга йўғрилган амаллар, хайру эҳсону мурувватлар овоза этилмайди. Муқаддас зиёратлар пеш қилинмайди. Акс ҳолда у чин фазилат эмас, миннатга айланади.

Шуларни назарда тутган ҳолда ҳазрат Навоий яна бир ғазалида ҳақли равишда

Ул пари ишқида эрмасдур
малойик маҳрамим,
Кимки ишқи пок эрур,
сирри анинг пинҳон керак,

дея уқтирадилар.

Отабек ИСМОИЛОВ,
Хоразм Маъмун академияси катта илмий ходими,
Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Сийрат

«...Гуҳари шарифроқ йўқ ондин»

Мир Алишер Навоийнинг кўпгина асарларида, хусусан, "Хамса"-даги бир неча бобларда ҳам сўзга ниҳоятда улуғ таъриф берилган. Улар орқали англаймизки, Мавлоно сўзнинг қудрати, таъсир кучи, жилвасига алоҳида урғу берган.

Шоир, аввало, ҳаёт моҳияти ҳисобланган тўрт унсур: сув, ҳаво, олов, тупроқнинг ҳам, етти қават осмондаги етти сайёранинг ҳам сўз туфайли вужудга келганини таъкидлайди:

Тўрт садаф гавҳарнинг дуржи ул,
Етти фалак ахтарининг буржи ул.

Инсонни ҳайвонот оламидан фарқловчи асосий белги ҳам сўз эканлигини айтади:

Инсонни сўз айлади жудо ҳайвондин,
Билким, гуҳари шарифроқ йўқ ондин.

Шундай экан, сўз гавҳарининг шарофати шунчалар юксакки, унинг қаршисида энг қимматбаҳо нарсалар ҳам қадрсизланади:

Сўз гуҳариға эрур онча шараф,
Ким бўла олмас анга гавҳар садаф.

Дарҳақиқат, сўз — боқий, азалий ва абадий. Уни қанча кўп истифода қилсангиз, шунча сайқаллашади. Навоий буни олам аҳли қуёшдан фойдаланган билан унинг нури тугамаслиги, денгиз сувига игнани ботириб ёки намлаб олган билан у камаймаслигига қиёслайди:

Олам эли зарра йиғса жовид,
Нурини кам айлагайму хуршид.
Игна учи била жазб этиб нам,
Ким баҳр сувини айлагай кам?

Сўз инсоннинг дилидаги пинҳон сирлардан огоҳ этувчи воситадир. Буни Алишер Навоий бир неча тимсоллар воситасида асослайди:

Ғунча оғизлиқ санами нўшлаб,
Сўздан агар айласа, хомўш лаб,
Лаъли майи ақлни маст айласа,
Маст неким, бодапараст айласа.
Сурат ила бўлса маҳи осмон,
Сурати девор ҳамон, ул ҳамон.

Маҳбуба гарчи қамар рашкини келтирувчи чиройга эга бўлмаса ҳам, киприклари саф тортмаган, ўзи ғамзадор кўринмаса ҳам такаллум пайтида аччиқ сўзга ширин жавоб қайтарса, у барчани ўзига мафтун эта олади:

Гар чиройи рашки қамар бўлмаса,
Лаъли лаби тунги шакар бўлмаса,
Айламаса ғамзани новакфикан,
Қилмаса кирпик сафини сафшикан,
...Лек такаллум чоғи айлаб итоб,
Талх ҳадис ўлсаву ширин жавоб,
...Барчасидин ҳазм этар аҳли уқул,
Гар худ узоқ чекса бўлурлар малул.

Хуллас, сўз — дунёнинг энг буюк мўъжизаси, оламнинг ибтидо ва интиҳосидир. Шу маънода, Алишер Навоий асарлари бизни дунёнинг энг сирли мўъжизаси ҳисобланган сўзга эҳтиром ва масъулият билан муносабатда бўлишга, уни қадрлашга чорлайди.

Сиддиқжон МЎМИНОВ,
филология фанлари доктори.

Халқимизнинг фахру ғурури ҳазрат Алишер Навоийнинг она тилимизга чексиз муҳаббати, унинг шон-шавкати, нуфузи ва беҳисоб имкониятларини намойиш этиш йўлидаги ибратли саъй-ҳаракати бир неча асарларида, хусусан, "Муҳокамат ул-луғатайн"да ҳам мукаммал акс этган.

Бой мерос

Ибратли сабоқ

Алишер Навоийнинг умри поёнида (1499 йил) муайян эҳтиёж ва зарурат тақозоси туфайли яратган "Муҳокамат ул-луғатайн" асари она тилимизнинг беқиёс бойлиги ва буюклигини англашда бебаҳо обидадир. Сўз дур, гавҳар, жавоҳир, садафдан-да қимматбаҳо инжу сифатида ардоқланган мазкур рисола тил ва тафаккур борасидаги ибратли сабоқлари баёни билан бошланади. Унга кўра, тил — инсонни ҳайвондан фарқлантирувчи тафаккурнинг ифода қуроли. Киши кўнгли — дарё, сўз — дур, сўзловчи — ғаввос. Сўз ҳам дур каби турлича: яхшиси инсонга жон бахш этса, ёмони уни ҳалокатга элтади.

Улуғ шоир бошқа бирор тилни асло камситмаган ҳолда тилимизнинг тилшуносликнинг турли соҳаларига оид битмас-туганмас бойликлари, имкониятлари ва ўзига хос хусусиятларини кўплаб манбалар асосида теран талқин этади. Айни пайтда табиат, жамият ва ижтимоий ҳаётнинг кўплаб соҳаларига хос, нозик маъно хусусиятлари билан ўзаро фарқланадиган сон-саноқсиз атамаларни катта салоҳият ила турли манбалардан келтиради. Шу ўринда биргина "ўрдак"нинг қушчилар нутқида, турли хусусиятларга кўра, етмиш хил номи борлигини таъкидлаб ўтгани диққатга сазовор. Ана шундай беҳисоб ишончли далиллар воситасида ҳазрат Навоий тилимизнинг сирли хазинасидан бехабар, унинг қадрига етмайдиган, бу тилда нафис бадиий асарлар яратиб бўлмайди, деган қайфиятдаги ижодкорларга асосли зарбалар беради. Уларни она тилини мукаммал эгаллашга, унинг сир-асрорларидан, кенг кўламли имкониятларидан фойдаланиб, нуфузини оширадиган асарлар ёзишга даъват этади.

"Муҳокамат ул-луғатайн" муаллифнинг кўплаб асарлари яратилиш тарихи, улар билан боғлиқ воқеалар, қалбига чўғ соладиган шеърлар, улуғ устозлари ва замондошлари билан муносабатларига доир таъсирчан тасвир ва маълумотларга бойлиги билан ҳам қимматлидир. Жумладан, ҳазрат Навоий билан 30-40 йиллар яқин ҳамкорликда фаолият юритган, шеърлар ёзган Султон Ҳусайн Бойқаронинг ўзбек адабий тили ва адабиётининг равнақи, тилнинг мавқеини таъминлаш йўлидаги хизматлари рисолада батафсил ёритилган. Асарда ёзилишича, Султон Ҳусайн Бойқаро ўзининг бир рисоласида Навоийнинг сиёсий ва адабий фаолиятини юксак қадрлаб, шундай буюк зот билан замондош бўлганидан чексиз ифтихор туйишини айтади ҳамда она тили ва адабиёти равнақи жабҳасида кўрсатган жонбозликлари учун уни Соҳибқирон деб таърифлайди.

Хуллас, буюк истеъдоди билан инсоният тамаддунига муносиб ҳисса қўшган даҳо шоиримизнинг она тилимизда бунёд этган умрбоқий асарлари воситасида тилнинг беқиёс бойлиги, қудрати, сўз хазинаси ва стилистик имкониятлари чексизлиги ҳам амалий, ҳам назарий жиҳатдан тўла-тўкис далилланган. Бундай ноёб мерос истиқлол фарзандларини тарбиялашда, уларнинг онгу шуурига Ватанга ва миллий маданиятга муҳаббат туйғусини сингдиришда беқиёс аҳамиятга эга. Шу маънода, мустақилликнинг дастлабки кунларидаёқ улуғ аллома-ларимиз қатори Алишер Навоий асарларини қунт билан ўрганиш, тадқиқ этишга астойдил киришилди. Бу эзгу саъй-ҳаракатлар ўз самарасини бераётгани эса барчамизни бирдек қувонтирмоқда.

Юсуф ЭШОНҚУЛОВ,
филология фанлари номзоди, доцент.

Мутолаа

Олам маъмурлиғи алардин...

Деҳқонки, дона сочар, ерни ёрмоқ била ризқ йўлин очар. Агар ростлиқ ва салоҳи бордур, ўйи Солиҳ ноқасидин намудордур. Қўши ҳам икки зўр паҳлавон, юкига бўюн сунуб олида равон; иш қилурда ҳамдам ва ҳамқадам, деҳқон аларни суради андоқки Одам. Олам маъмурлиғи алардин, олам аҳли масрурлиғи алардин. Ҳар қаён қилсалар ҳаракот, элга ҳам қут еткурур, ҳам баракот. Деҳқонки, тузлук била дона сочар, ҳақ бирига етти юз эшигин очар. Сочқон дона кўкаргунча, ўруб хирмон қилиб, маҳсулин кўтаргунча қурту қуш андин баҳраманд ва дашт ваҳши анинг била хурсанд. Мўрлар уйи андин обод ва гўрлар хотири анинг била шод. Кабутарларға андин мастлиқ, тўрғайларға андин нишотға ҳамдастлиқ. Ўроқчиға андин рўзи, бошоқчининг ёруб андин кўзи. Барзагарға андин ком ҳосил, пуштакашға андин мурод восил. Гадо андин тўқ, кадхудо тўқлуғи ҳам андинўқ. Мусофирға андин таом, мужовирға андин ком. Итмақчи танури андин қизиқ, аллоф бозори андин иссиқ. Фуқаро ризқи вофий, ғурабо қути андин кофий. Зоҳидға андин ҳузури тоат, обидға андин лофи қаноат. Сойил харитасида андин муҳайё ақтои, шоҳ хизонасида андин баҳру кон мато.

Деҳқоннинг бир дона сочарида бу ҳолдур, ўзга ишлари таърифи маҳолдур. Боғи жаннатдин намудор, полизида руҳ қути падидор. Ашжорининг ҳар бири чархи ахзар, ул шажар ва раёҳин ва фавоқиҳи нужум ва ахтар. Фуқаро сирка ва душоби андин, ағниё нуқлу майи ноби андин. Гуногун фавоқиҳ билаким боғда тазйин, чаман мулкида боғланиб таъбия ва ойин. Мундоқ киши керакки, бухлдин муарро бўлса ва кизбу имсоқдин мубарро. Шоҳ молин берурдин ибо қилмаса ва забун шерикка жафо қилмаса, то доноси дурри саодат бар бергай ва тухм сочиб, анжуми улувви рифъат тергай. Мундоқ деҳқон Одамнинг фарзанди халафидур, балки марзуқлар анга фарзанд ва ул Одами сафийдур.

Кимки деҳқонлиғ айлади пеша,
Дағи нон бермак ўлди анга шиор.
Буйла кимса улувви рифъатдин.
Одам ўлмаса, одамий ҳуд бор.

«Маҳбуб ул-қулуб»дан.



Ғазал бўстони

...Ўзгача

Ваҳки, чамандин яна эсти шамол ўзгача,
Ҳар дам ўлур атридин кўнглума ҳол ўзгача.

Булбулу қумри чекиб лаҳну наво ўзга навъ,
Кўргузадур сарву гул ғанжу далол ўзгача.

Савсан ўлуб сарбаланд, ғунча қилиб нўшханд,
Элга алардин етиб дафъи малол ўзгача.

Сунбули пуртоб ҳам, лолаи сероб ҳам,
Дуд ила ўтдин бўлуб шибҳу мисол ўзгача.

Кирди магар дилбарим, ҳури парий пайкарим,
Гулшан аро кўнглида фикру хаёл ўзгача.

Бўлса манга доғи йўл, андаки айш айлар ул,
Қилсам эди маст ўлуб қолу мақол ўзгача.

Умри абад топқамен, тутса манга бир қадаҳ,
Нашъае майдин анга ҳусну жамол ўзгача.

Даҳрда йўқтур карам, даҳрнинг аҳлида ҳам,
Қилмағасен, эй кўнгил, фикри муҳол ўзгача.

Зуҳд, Навоий санга бермади масжидда файз,
Эмди кириб дайр аро, тарҳни сол ўзгача.

Қитъалар

Камол эт касбким, олам уйидин
Санга фарз ўлмағай ғамнок чиқмоқ.

Жаҳондин нотамом ўтмак биайниҳ
Эрур ҳаммомдин нопок чиқмоқ.

* * *

Биравки, жабҳасида чин эрур тута олмас
Мурод шоҳидининг соидини коми била.

Агарчи фаннида соҳиб камол эрур сайёд,
Қачон балиғ тута олғай сув мавжи доми била?

* * *

Ул турфа қуш ҳавосида кўз тўкти дурри ашк,
Жон ёйди риштасин анга айлаб ҳавойи қайд.

Лекин гар инжу сочса киши дона ўрниға,
Товусни қачон қилур ўргамчи доми сайд?

Рубоийлар

Номангким, эрур боиси иқболу тараб,
Еткурса тараб мени ҳазинға, не ажаб,
Ёлғуз мендин кетармади ранжу тааб,
Ким бўлди басе халқ ҳаётиға сабаб.

* * *

Бир айбға гарчи халқ қилғай мансуб,
Фақр аҳлидин изтироб эмастур маҳсуб,
Сидқ эрса худ этмак керак ўз феълини хўб,
Кизб эрса маломат доғи бордур матлуб.

* * *

Сув кўзгусини боғ аро айларда шитоб,
Сиймоб қилур эрди таҳаррук била тоб.
Дай қилди бу симобни андоқ кўзгу,
Ким кўзгу анинг қошида бўлғай сиймоб.

* * *

Эй улки, сўзунг тушти ҳабиб оллида хўп,
Мендин йўлиға бошинг қўюб, туфроғин ўп,
Аҳбобға ҳам бирин-бирин хизмат этиб,
Арз айла, ниёз ила дуо кўптин-кўп.

ОБ-ҲАВО

(20 апрель)

Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилоятида	Бухоро ва Навоий вилоятларида	Тошкент, Самарқанд, Жиззах ҳамда Сирдарё вилоятларида	Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларида	Андижон, Наманган ҳамда Фарғона вилоятларида	Тошкент шаҳрида
+13 +18	+13 +18	+10 +15	+13 +18	+12 +17	+13 +15
+30 +35	+30 +35	+28 +33	+30 +35	+28 +33	+30 +32

Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 92 213 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тоғаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Бўтаев.
Навбатчи — З. Худойшукуров.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 20.40 Топширилди — 21.40 1 2 3 4 5